

Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси

Баҳор офтобининг илиқ ҳароратидан тоғ чўққилиаридаги қорлар қатлами эриб, жилғалар ҳосил бўлади. Жилғалар шалолаларга, шалолалар эса дарёларга айланади. Дарё ўтган жойда ҳаёт гуркирайди. Табиатнинг сўлим обидалари дарёлар ёқасида қад кўтаради.

Ушбу мисралар ўзбек хотин-қизларига бугунги кунда вафо ва садоқат рамзи бўлиши нафис кечинмалар куйчиси, кучли сабр, матонат, ирода соҳибаси бўлиши ўзбек шоираси Зулфияхоним (Исроилова)га бағишланади.

Шоирлар ҳам дарё янглиғ жилғалардан ҳосил бўладилар. Баъзи бир жилғалар қақроқ даштларга етмай, йўқ бўлиб кетади. Бошқалари эса қанча олис йўл босса, шунча қудрат ва кўлам касб этиб, улкан дарёга айланади. Дарёлар туташган жойда эса денгиз тугилади. Денгиз бутун бир ўлкага сув ва нур беради, унга ҳусн ва латофат бағишлайди.

Зулфияхоним ҳам ўзбек адабиётининг улкан дарёларидан бири эди...

Илм-фан тараққиёти ғоят тезкорлик билан бораётган ушбу кунларда, бугун эгалланган энг янги технология оз вақт ўтмай эскириб қолаётган бир замонда таълим-тарбия муассасаларида мутахассис етиштиришга уриниш замонавий автомобилни пиёда қувиб етишга интилишга ўхшайди¹. Она тили ва адабиёт ўқитувчиларида ўқув фаоллигини юзага келтириш ва уларда адабиёт дарсларини тўғри, самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи таълим турларидан бири – бу интерфаол таълим саналади. Ҳозирда интерфаол («интер» – «ўзаро») таълимдан фойдаланиш тобора оммалашган. У таълим субъектлари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келувчи ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш асосида ташкил этилади, ўқувчиларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, «ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи» ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, интерфаол таълим – бу «ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи» ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка асосланувчи таълим шакли бўлиб, ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг тезкор ва самарали ўзлаштирилишини таъминлайди.

Интерфаол таълим методларидан адабиёт ўқитувчилари баҳс-мунозаралар, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, тренинглар, ролли ўйинлар, дебатлар, интервью, тақдимот (ёки ҳимоя) ва бошқа ўзига хос шартларга эга интерфаол методлар билан етарли даражада таниш бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар бир технология ёки метод фаннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига хос ёндашувни талаб этади. Шунингдек, улар баъзи ҳолатларда усул сифатида қўлаланилиши ҳам таълим бошқарувчиларига аён.

Куйида замонавий педагогик технологияларнинг айрим турларидан она тили адабиёт ўқитувчиларининг касбий малакаларини оширишда фойдаланиш имкониятлари, хусусан, “Сўровнома” методи орқали юртимизда таваллудининг 100 йиллиги тантанали нишонланаётган халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси ҳақида қисқача сўз юритилади.

Сўровнома аслида расмий жиҳатдан доимо тўлдирилишга зарурат сезадиган ҳужжат тури. Биз эса унга ижодий ёндашиб, метод сифатида шундай шаклда беришни лозим топдик ва албатта, бу ўз самарасини берди.

¹ Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док. ... дис. –Т.: 1997. 302 бет 68-, 111-б.

СЎРОВНОМА

1. Ўрганилаётган шахснинг

Фамилияси: Исроилова

Исми: Зулфия

Отасининг исми: Исроил қизи

2. Қайси соҳада ижод қилган?

Адабиёт, шеърят (поэзия)

3. Илм-фанга қўшган ҳиссаси ...

Ўзбек адабиёти(шеърят)ни шарқ халқлари орасида кенг ёйган, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Л. Украинка, В. Инбер ва бошқа кўплаб шоирларнинг асарларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилган.

4. Яратган асарлари ...

“Ҳаёт варақлари”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Юрак ҳамиша йўлда”, “Камалак”, «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон кунларида» ва б.

5. У ҳақида замондошларининг фикри ...

Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотга, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараккийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун эса халқаро «Нилуфар» мукофотида сазовор бўлган.

Шунингдек, айнан бирор шахснинг фикри келтирилади.

6. Унинг замонаси ҳақидаги фикри

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,

Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!

Сени сева сева мен бойиб кетдим,

Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур

Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.

Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур.

Бахтим шул-ўзбекнинг Зулфиясиман.

7. Ҳозирги кунда унинг аҳамияти

Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атокли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва қижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир. (Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: 2008. –167-б.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2007 йил 13 сентябр куни қабул қилинган “Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилди.

8. Ижодкор (олим)нинг ... сўзига муносабатингиз:

Ҳамма қонунларнинг устидан чизиб

Менга қайта умр этсалар инъом,

Ахтариб топардим ҳар босган изим.

Бекор ўтганига бахш этардим жон –

Бу ерда фаолияти
ўрганилаётган ижодкор
нимага ўхшатилса, ўша
тасвир ўз аксини топади
(қуёш, шам ёки б.).

Ҳар бирига тутар эдим шеърим.

1) Маъқуллайман, чунки ...

2) Ўз замонасига кўра тўғри эди, чунки ...

3) Маъқулламайман, ҳозирда бу

Ўқувчидан изланиш талаб этиб, ўқитувчига ижодкорона кайфият берувчи ҳамда таълим олувчиларни билим олишга йўналтирувчи юқоридаги каби метод таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва кутилган натижаларга эришишда муҳим омил саналади.

Каримова Г